Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 150 (21. 249) 1992 йил 31 июль, жума

БАҲОСИ 2 СЎМ.

БУГУНГИ СОНДА:

1-БЕТ:
● Йўлинг оқ бўлсин мудом, жонажоним истиқлол!

2-БЕТ:
● «Муҳаббат бозори» фош бўлди

3-БЕТ:
● Яна «Хиёнат» ёки «ўзбеклар иши»нинг бош ҳомийси ҳақида

4-БЕТ:
● Уч соат давом этган операция

1 СЕНТЯБРЬ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

МУСТАҚИЛЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Қувасой шаҳридаги чинни заводи маҳсулотларини кўрмаган, чиннисоз наққошлар санъатига тан бермаган одам бўлмаса керак. Эндиликда ушбу корхона қўли гул усталари тайёрлаётган маҳсулотлар жаҳон бозорига йўл олмоқда.

Яқинда Ливан Республикаси тижоратчилари 36 минг дона турли сервисларга буюртма беришди. АҚШлик тижоратчилар ҳам завод маҳсулотларидан танлаб олишди. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги байрами арафасида чиннисозлар «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги» деб аталувчи нақшли нафис сервиз тайёрлашаяпти. Мутахассислар фикрича, ушбу сервиз харидорларга ва жумҳуриятимиз истиқлол тўйига келган меҳмонларга манзур бўлиши турган гап.

А. ИБОДИНОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири



● Кейинги йилларда жумҳуриятимизда тиббиёт масканларини замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор бериляпти. Жумладан, Самарқанд вилоят кўз касалликлари шифохонаси ҳам янги анжомлар билан таъминланди.

СУРАТДА: микрохирургия бўлими мудири Н. Очилов ва шифокор Н. Расуловлар Францияда келтирилган асбобни кўздан кечириштирмоқда.

Суратлар Р. АЛИЕВ.

● Истиқлол илҳомлари ●

Жуманиёз ЖАББОРОВ

Сен байроқ этган иқбол

Агарчи соҳибдурсен ўз фикру ўз сўзингга,
Агарчи бойликларинг буюргайдир ўзингга,
Агарчи давраларда янграса ўз қўшиғинг,
Агарчи сарҳадларда собит турса қўшининг,
Демак, орзу йўлига чиқиб олмиш карвонинг,
Энг яхши манзилларни кўзлагандир сарбонинг,
Фарзандларинг бўй-басти букилмаса аламдан,
Умидларинг кўп бўлса бу антиқа оламдан,
Шудир, дўстим, сен байроқ этган буюк бахт-иқбол,
Диёр бўйлаб кенг қанот ёзаётган Истиқлол.

Илк шаббода. Илк қадам. Илк интилиш. Озод руҳ.
Ҳар бир қилган ишингда энди ўзгача шукуҳ.
Дунёларга бағрингни кенг очиб чиқдинг бугун,
Ўз яловинг, ўз тамғанг бошинг узра ғуногун.
Атласдай етти рангда товланиб ётган замин
Қаъридан инъом этгай сенга газналар жамин,
Ўзингники буғдойинг, пахта, маъдан, нефту газ,
Қовоқ чимириб турмас энди қандайдир «марказ».
Эрк самарин, азизим, тўплагил мисқол-мисқол,
Камол топсин кўксингда, юртим, эрка Истиқлол.

О, эрк, сени юз йиллар нарида унутгандик,
Йўқ, йўқ, сени юз йиллар биз нигорон кутгандик.
Қуюқ чангалзорларда қанча юрдик адашиб,
Ялтироқ шуълалардан кўзларимиз қамашиб.
Гарчанд оғирдир йўллар, довонлар бор, ғовлар бор,
Тоза томирларингда эзгу мақсад устивор.
Машаққатлар ичида туғилган бу янгилик,
Ҳурмузу Аҳраманнинг ул азалий жангидек...
Агар абадий бўлсин десанг, дўстгинам, висол,
Ҳар лаҳза мададингга мунтазирдир Истиқлол.

Жаҳон минбарларида бордир бугун ўзлигим,
Сен, эй қора кўзлигим, туркий дунё — Ўзбегим,
Қадимийсан ва, лекин, йўл бошида навқирон,
Эркин нафас, эркин завқ нашидасидан шодон.
Сенинг меҳрингни эмган ҳар битта содиқ фарзанд,
Ширин ташвишларингга жондан пайвасту пайванд.
Ҳар мушкул, ҳар муаммо — бизга садоқатдан дарс,
Истаймиз, мурғак дилга заррача етмасин дарз.
Эҳ, ҳали яхши кунлар бизга кўрсатур жамол,
Йўлинг оқ бўлсин мудом, жонажоним Истиқлол!

● ТАКЛИФ ●

ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАНЛАРГА ЁДГОРЛИК ЎРНАТАЙЛИК

РЕСПУБЛИКА мустақиллиги эълон қилинганлигининг бир йиллиги яқинлашяпти. Ота-боболаримиз мана шу кунни орзиқиб кутишган, ҳатто шу йўлда жон фидо ҳам этишган. Собиқ марказ чизиб берган йўлдан бир қадам бўлсада четга чиққан, эҳтиётсизлик билан бир оғиз «нотўғри» сўз айтганларнинг қабрлари Россиянинг қайси ботқоқликларида қолиб кетмади, дейсиз. Халқимиз ўша даврларга жуда ҳам муносиб қилиб «қатағон йиллари» деб тўғри, одил баҳо берган.

Республикамиз тарихида айниқса 1937-1939 йиллардаги қатағон шундай қора ранглларда битилганки, уни халқимиз дилидан сира ҳам ўчириб бўлмайди. Уша вақтда мамлакат ички ишлар комиссарлиги идоралари қонунчиликни бузиб, уни оёқ ости қилдилар. Асло айби бўлмаган ҳалол, покиза одамлар қамоққа олиниб, қириб ташландилар. Ҳозир ўша даврларнинг маълумотлари ҳаммага маълум: қатағон йиллари Ўзбекистон ССР фуқароларидан 41 минг киши қамалган, улардан 37 минг нафари судланган, салкам 7 минг киши қатл этилган. 1939 — 1953 йилларгача бўлган даврда эса салкам 60 минг киши турли муддатларга озодликдан маҳрум этилиб, 7 мингдан кўпроқ киши отиб ташлангани ҳам ҳужжатларда бор. Миллатимизнинг гули бўлган, маданиятимиз ва адабиётимизнинг илғор намояндаларидан Беҳбудий, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари ёзувчи ва шоирлар халқ душмани сифатида бадном этилиб, йўқ қилиб юборилди.

Бутун бир халқ бошига қиргинбарот солинган даврларнинг урф-одатлари, анъаналари йўқ қилинди, бадиий идрок ришталари узилди. Масжидлар ва мадрасалар хокисор бўлди. Қуръон таъқиқланди. Бундан ортиқ бедодлик бўладими ахир?!

Шукурлар бўлсинки, мустақиллик бизга ана шулар ҳақида рўй-рост гапириш имконини беribгина қолмай, ҳақиқатни тиклаш заминини ҳам вужудга келтирди.

Тошкентнинг қоқ юрагига ўрнатилган, аслида ана шу бедодликнинг илк муаллифларидан бири бўлган Ф. Э. Дзержинскийнинг тош ҳайкали олиб ташлаганига ҳам анча вақт бўлди. Тошкентликлар буни жуда ҳам тўғри иш қилинди, деб айтмоқдалар. Аммо ҳайкалнинг энг гўзал гўшада, халойиқ сайр этадиган, ҳордиқ чиқарадиган фаввоpалар қаршисида мармардан ишланган пойдевори ҳамон қора доғдай бўлиб турибди. Мен кўплар қатори худди ана шу пойдеворга қатағон йилларида маҳв этилган бегуноҳ қурбонлар учун ёдгорлик ўрнатишни, унинг атрофида мармардан девор тиклаб, бедодлик даврининг барча қурбонлари исми-шарифини зарҳал ҳарфлар билан номма-ном ёзиб қўйишни таклиф қилардим. Бўлажак ушбу обида халқимиз бошига солинган ўша қора кунларни ҳамиша эслатиб тургани ҳолда эгилган ҳақиқат мустақиллик сабабли қаддини тиклаб олганлигидан далолат ҳам бўларди. Бу ерга ўрнатиладиган ёдгорликнинг яна бир маънили томони шундаки, у ҳалок этилган энг яхши фуқароларимиз қийноқларга солинган, минг хил азоб-уқубатларга рўбарў этилган бинонинг қаршисида бўларди.

Бундай обидани барпо этиш албатта бир кишининг таклифи билан бўлмайди. Мен бу фикримни республикамиз пойтахти аҳолиси муҳокамасига ҳавола этяпман. Зора улар мени қўллаб-қувватлашса...

Рафиқ ТУРСУНОВ,
журналист.

ФАРМОН ВА ИЖРО

ОДАМЛАРГА БЕПУЛ ЁРДАМ БЕРИЛДИ

Ун ва нон-булка маҳсулотлари нархини оширишга мажбур бўлинганини Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг ҳар бир қишлоқда яшовчи оилани шу ерда етиштирилган дон билан таъминлашга доир Фармонини изчил бажариш зарурлигини яна бир бор эслатди.

Марҳамат районидаги «Андижон 50 йиллиги» давлат хўжалигида 2400 оиланинг ҳар бирига 100 килограммдан буғдой, шунингдек қишда молларга бериш учун анчагина somон берилди. Гап шундаки, ўтган йил кузидаёқ 116 гектар боғ ва токзорларда қатор ораларига кузги буғдой экилган эди. Ҳар бир оилага ўрта ҳисобда ўн сотихдан ер ажратилди, буғдой пишгач эса, хўжалик комбайнчилари уни ўриб-янчиб олишда одамларга бепул ёрдам беришди. Давлат хўжалиги ҳам яхши ҳосил олди — ҳар гектар ердан 38 центнердан дон олибди.

Ҳозир давлат хўжалигидаги шахсий фермаларда 3200 бош қорамол, 5800 бош қўйэчки ва қарийб 20 мингга яқин парранда бор. Хўжалик хонадонларни янги ўрилган беда билан таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Қишлоқ аҳли эрта кўкламдан бери аризаларига биноан 260 тоннага яқин янги ўрилган беда олди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 182 модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1. Биринчи модданинг биринчи сатридаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти» деган сўзлар «ташқи иқтисодий фаолият» деган сўзлар билан, «ташқи иқтисодий ҳамкорлик ўрнатишга» деган сўзлар эса «ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатишга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 3-модда чиқариб ташлансин. Кейинги моддаларнинг тартиб рақами тегишли равишда ўзгартирилсин.

3. 4-моддадаги «ва СССР» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 6-моддадаги «ССР Иттифоқи ихтиёрига берилган масалаларда СССР қонунлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 7-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ваколатлари Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан белгиланади».

6. 10-модданинг иккинчи қисмида «совет фуқаролари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 11-модданинг сарлавҳасидаги ва биринчи қисмдаги «ва ССР Иттифоқи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

Шу модданинг иккинчи қисмидаги «ёҳуд СССРнинг савдо ёки бошқа ваколатхоналари ҳузурида республика ваколатхоналари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8. 12-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида унинг қонунларига мувофиқ чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг юридик шахслари ҳамда фуқаролари иштирокида халқаро иқтисодий ташкилотлар ва молия ташкилотлари тузилиши мумкин».

12-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий минтақалар тузилиши мумкин, бу минтақаларда хўжалик фаолиятини амалга ошириш шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади».

9. 13-модданинг еттинчи хатбошисидаги «СССР Давлат чегараси орқали» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. 17-модданинг биринчи қисмидаги «6-моддасида» деган сўзлар «5-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 18-модданинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар «давлат» деган сўз билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил, 2 июль

«ТИЛЛА ЗАЁМ» ЮТУҒИ ТИЛЛАКОРИДА ЧИҚДИ

● Кеча эрта тонгданоқ Самарқанд шаҳри байрам либосига бурканди. Карнайсурнай садолари, жарчиларнинг чақириқлари шаҳар аҳолиси ва меҳмонларни Самарқанднинг юраги бўлган Регистон майдонига чорлади. Минглаб одамлар Ўзбекистон Республикасининг 12 фоизли ички ютуқли заёмининг биринчи тиражи ўйинларида қатнашиш учун кела бошладилар.

Шаҳар ҳокими, тираж комиссияси раиси А. Носиров ютуқлар ўйини тартиби билан тўпланганларни таништирди. Тираж комиссияси аъзолари махсус қутилар, барабанлар ва бошқа зарур жиҳозларни ўйинга ҳозирлайдилар. Биринчи тиражнинг биринчи ютуғига 100 минг сўм чиққани барчани хушнуд этди. Шундан сўнг омади келган кишиларга бирин-кетин ютуқлар чиқа бошлади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири республика молия вазири Э. Боқибоевдан тиражни шарҳлаб беришни сўрадик:

— Аввало икки миллиард сўмлик заём облигациялари сотилганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мана шу илк тиражда кўпгина ютуқ ўйналади. Улар орасида 2 минг сўмдан 250 минг сўмгача «соврин»лар бор. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги энг катта ютуқ учун битта «Жигули» ва иккита «Москвич» автомашинасини мукофотга қўйган. 250 минг сўм ютуқ чиққан одам машинага эга бўлиши мумкин. Қолган маблағни тўлашни шаҳар ҳокимлиги ўз зиммасига олади.

Заём ўйинлари республика бюджетига 10 миллиард сўм фойда келтириши мўлжалланмоқда. Биз Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан бу йирик тадбирни ўтказишда кўрсатган ёрдами учун миннатдормиз.

Ҳ. ШУКУРОВ.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Задарё районидаги «Наманган» давлат хўжалиги партия ташкилоти ҳисобида 242 аъзо бор. Яқинда улар сафига яна 8 киши қўшилди. Ҳисобдон Муҳаммаджон Қамбаров, пахтачилик бригадаси бошлиғи Ширмоной Тешаматова, техника хавфсизлиги бўйича мухандис Солижон Хўжанов ва бошқа ишлаб чиқариш илғорлари шулар жумласидандир.

— Куни кеча ташкилотимиз номига яна 12 кишидан ариза тушди, — деди ХДП бошланғич ташкилотининг котиби Абдулбори Эргашев. — Тез кунда бюро мажлиси ўтказиб, уларни ҳам ўз сафимизга қабул қиламиз.

Ҳ. ФОЗИЛОВ,
Наманган вилоятида чиқадиган «Эл хизматида» газетаси масъул котиби.

● СПОРТ ●

СУРАТДА: гимнастика бўйича олимпиада чемпионларн: олмаликлик Розалия Галиева (чапдан биринчи) ва тошкентлик Оксана Чусовитина (бешинчи).

ИТАР—ТАСС суратн.

БИРЛАШГАН ЖАМОА БИРИНЧИ БЎЛИБ ТУРИБДИ

● ИСПАНИЯДА ўтказилаётган XXV олимпиада мусобақалари тобора қизғин ва муросасиз баҳсларга айланмоқда. Собиқ иттифоқнинг мустақил республикалари спортчиларидан иборат бирлашган жамоа вакиллари маҳорат кўрсатиб, олдинда боришмоқда. Улар ҳисобидаги жами олтин медаллар 8 тага етди. Мустақил Ўзбекистон спортчилари ҳам умумғалабага ўзларининг муносиб улушларини қўшиб, республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилишга интилмоқдалар.

Қуйида спортчиларнинг қўлга киритаётган баъзи ютуқларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

● КУРАШ. Дзюдо кураши бўйича Дмитрий Сергеев олимпиаданинг бронза медалини қўлга киритди.

● ГИМНАСТИКА. МДҲ бирлашган жамоаси гимнастикачи қизларининг олимпиада чемпиони бўлишгани ҳақида хабар берган эдик. Уларнинг бу ютуғини йигитлар ҳам мустаҳкамлашди. Улар ҳам жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, олимпиада чемпиони бўлдилар.

● БЕЛЛАШУВ. Курашнинг грек-румо тури бўйича баҳсларда Альфред Тер-Мкртичян кумуш медали олган бўлса, Ислом Дугучиев ҳам голиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилди. Сергей Демяшкевич бронза медали соҳиби бўлди.

● СУЗИШ. Мусобақанинг дастлабки куни Евгений Садовий 200 метрга эркин усулда сузишда олимпиаданинг катта олтин медалини қўлга киритганди. У 400 метрлик масофада яна бир бор чемпион бўлди.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

● Яқинда «Бухоро» жамоа хўжалигининг бошқаруви 100 га яқин меҳнат фахрийларини, кўп болали онларни, кам даромадли кишиларни меҳнат жамоаси маблағи ҳисобидан «Ўзбекистон овози»газетасига обуна қилди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов хўжаликларни қўшимча қиймат солиғидан озод этгани ана шундай имкониятни туғдирди. Чунончи, мазкур Фармон қабул қилингунга қадар шу йилнинг ўтган даврида хўжаликнинг 468 минг сўмдан зиёд маблағи қўшимча қиймат солиғи сифатида бюджет ҳисобига ўтиб кетган эди.

Эндиликда бундай солиқнинг бекор қилиниши жамоа аъзоларининг ойлик меҳнат ҳақини бир ярим минг сўм га етказиш имконини беради. Бундан ташқари қурилиш ва ободончилик ишларига ҳам катта маблағлар ажратилмоқда.

Биз—пахтакорлар бунга жавобан зўр ғайрат билан ишлаяпмиз. Менинг ўзим кўп йиллар пахтачилик бригадасига бошчилик қилдим. Ҳозир пенсияга чиқиб жамоат ишлари билан шуғулланмоқдаман. Абдурахмон Бозоров, Ибод Асадов, Ризо Эшниёзов, Ботир Сулаймонов каби ҳамкасбларим эса далада ишлашяпти. Ҳаммамизнинг мақсадимиз бир — ҳалол меҳнат қилиб республикамизни мўл-кўлчилик йўлига олиб чиқишдир.

Ёдгор САФАРОВ,
Жондор районидаги Далмун қишлоғи оқсоқоллар кенгашининг раиси.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўлларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Автомобиль йўллари тушунчаси ва таркиби

Автомобиль йўли давлат стандартларига мос келадиган, меъёрий оғирликка ва ўлчамга эга бўлган транспорт воситаларининг хавфсизлиги ва қулай ҳаракатланиши учун мўлжалланган муҳандислик иншоотлари мажмуидир.

Автомобиль йўллари таркибига йўл учун ажратилган минтақада жойлашган сунъий муҳандислик иншоотлари, йўл хизматининг яхлит технологик мажмуасига кирувчи йўл идоралари, ёрдамчи, қўшимча ва бошқа ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи корхоналар киради.

Йўл учун ажратилган минтақадаги ҳаво бўшлиғи ва ер остки қисми ҳам автомобиль йўли мажмуига киради.

Шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг кўчалари ушбу Қонуннинг таъсир доирасида бўлган автомобиль йўллари жумласига кирмайди.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг автомобиль йўллари тўғрисидаги қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг автомобиль йўллари тўғрисидаги қонунлари ушбу Қонундан ҳамда автомобиль йўлларига тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида автомобиль йўлларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

3-модда. Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонунларнинг вазифалари

Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонунларнинг вазифалари автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, қайтадан қуриш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни, шунингдек йўл идоралари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль инспекцияси ва йўллардан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, давлат, жамият, аҳоли манфаатларини кўзлаб, йўлларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишдан иборатдир.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг барча автомобиль йўлларига нисбатан татбиқ этилади.

4-модда. Автомобиль йўлларини фарқлаш

Ўзбекистон Республикасининг автомобиль йўллари мансублигига қараб умумий фойдаланишдаги ва корхоналарга қарашли йўлларга ажратилади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари жумласига Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилаган тартибда тегишли рўйхатларга киритиб, индекси ва тартиб рақами кўрсатилган автомобиль йўллари киради.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва улар таркибидаги барча иншоотлар давлат мулки бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда фойдаланишга бериб қўйилади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари халқ хўжалиги ва маъмурий моҳиятига кўра халқаро, давлат ва маҳаллий (вилоят) аҳамиятига эга автомобиль йўлларига бўлинади.

Мустақил давлатларнинг пойтахтларини бирлаштириб турадиган, шунингдек давлатлар ўртасидаги битимларга мувофиқ халқаро автомобиль йўллари тармоғига кирадиган автомобиль йўллари халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари ҳисобланади.

Давлат аҳамиятига молик йўллар жумласига республиканинг маъмурий, маданият ва саноат марказлари ҳамда вилоятлари ўртасидаги транспорт қатновини таъминлайдиган, мазкур марказларни эса темир йўл станциялари, портлар, кема тўхташ жойлари, шунингдек қўшни давлатлар билан боғлайдиган йўллар киради

Маҳаллий аҳамиятга молик йўллар жумласига республика ҳамда вилоятларнинг маъмурий марказларини ноҳияларнинг маъмурий марказлари билан, қишлоқ аҳоли пунктлари билан, шунингдек ноҳия марказларини республика аҳамиятига молик йўллар, темир йўл станциялари, портлар, кема тўхташ жойлари билан бирлаштирадиган йўллар киради

Халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўлларининг рўйхати давлатлар ўртасидаги битимлар асосида тасдиқланади.

Давлат аҳамиятига ва маҳаллий (вилоят) аҳамиятига молик автомобиль йўлларининг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиқлайди.

Идораларга қарашли автомобиль йўллари тегишли корхоналар, колхозлар ва хўжалик ташкилотларининг мулкидир.

Корхоналарга қарашли автомобиль йўллари ўз аҳамиятига кўра шохобча йўллар, технология, хўжалик ичидаги, хизмат, патруль йўллари ва бошқа йўлларга бўлинади.

5-модда. Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш эҳтиёжлари учун ер ажратиб бериш тартиби

Йўллар қуриш (йўлларни қайтадан қуриш) ва улардан фойдаланиш учун, шунингдек автомобиль йўлларига алоқадор махсус жойлар барпо этиш учун йўл идораларига ва бошқа йўллар қурувчи, улардан фойдаланувчи ташкилотларга доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган тартибда ер ажратиб берилади.

Ердан фойдаланувчиларга автомобиль йўллари қуриш (уларни қайтадан қуриш) ва кейинчалик улардан фойдаланиш учун йўлнинг турига қараб тегишли лойиҳа бўйича минтақа ажратилади.

6-модда. Автомобиль йўлларига ажратилган минтақадан фойдаланиш тартиби

Йўл учун ажратилган минтақадан фақат йўл идораларигина фойдаланади. Автомобиль йўлига ажратилган минтақада тегишли йўл идораларининг рухсатисиз ҳар қандай ишларни амалга ошириш тақиқланади.

Йўл идоралари ва корхоналарга қарашли йўлларнинг эгалари фойдаланмаётган йўл учун ажратилган минтақадаги ерлар шартнома асосида йўл сервис корхоналарини жойлаштириш мақсадида ижарага берилиши мумкин. Бунда фақат йўлларни транспорт — фойдаланиш даражаси, қатнов хавф-хатарсиз ўтиб туриши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бажаришга кафолат бериши керак.

II БЎЛИМ. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ БОШҚАРИШ

7-модда. Автомобиль йўлларини бошқарувчи давлат идоралари

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати махсус ваколат берилган автомобиль йўлларини бошқарадиган давлат идораси орқали республика автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш ишини назорат қилади ҳамда бу борада ягона техника сиёсати юритади, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини фойдаланиш учун яроқли ҳолда сақлашни, таъмирлашни ва бундай йўллар қуришни ташкил этади.

Идораларга қарашли йўлларни бошқариш қонунларда белгиланган тартибда ана шу йўлларни тасарруф этувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади, бу ишларни маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари уйғунлаштирадилар.

8-модда. Автомобиль йўлларини бошқарувчи идоралар

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари Ўзбекистон Республикаси халқининг бойлиги бўлиб, давлатнинг мутлақ мулкидир ва у хусусийлаштирилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги идоралари (йўл идоралари) бошқарувида бўлади ва уларнинг балансида туради.

Корхоналарга қарашли автомобиль йўллари қайси корхона, муассаса ва ташкилот балансида турса ва қайси бири ана шу йўлларнинг сақланишини таъминласа, шу корхона, муассаса ва ташкилот ихтиёрида бўлади.

Шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги кўчалар тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари тасарруфида бўлади ҳамда уларнинг сақланишини таъминлайдиган уй-жой-коммунал хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари балансида туради.

9-модда. Автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришни режалаштириш

Автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришни режалаштириш худудий йўл идоралари ёки корхоналарга қарашли йўлларнинг эгалари томонидан республиканинг иқтисодиётини ва ижтимоий соҳасини ривожлантириш манфаатларини кўзлаб, барча ер эгаларининг фойдаларини ҳисобга олиб ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонун талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Автомобиль йўлларини ривожлантириш режалари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари билан келишиб олинади.

10-модда. Йўл ишларини пул билан таъминлаш

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида бажариладиган ишлар (лойиҳалаш, қуриш, қайтадан қуриш, таъмирлаш ва сақлаш) йўл жамғармалари маблағлари ҳисобидан пул билан таъминланади.

Йўл жамғармаларини вужудга келтиришнинг ҳуқуқий негизлари ҳамда улардан қай йўсинда фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

Корхоналарга қарашли автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш (қайтадан қуриш), таъмирлаш ва сақлаш ишларини мазкур корхона, муассаса ва ташкилотлар маблағ билан таъминлайдилар.

Шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг кўчаларини лойиҳалаш, қуриш (қайтадан қуриш), таъмирлаш ва сақлаш ишлари маҳаллий бюджетлар ҳисобидан маблағ билан таъминланади.

11-модда. Автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва қайтадан қуриш

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва қайтадан қуриш ихтисослаштирилган муассасалар, ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Корхоналарга қарашли йўлларни лойиҳалаш, қуриш ва қайтадан қуриш мазкур ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Корхоналарга қарашли йўлларни лойиҳалаш учун бериладиган топшириқ маҳаллий йўл идоралари билан келишилади. Корхоналарга қарашли йўлларни қуриш ва қайта қуриш лойиҳалари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан тасдиқланади.

Тегишли идораларга ажратилган ҳудудлардаги умумий фойдаланиш учун мўлжалланмаган корхоналарга қарашли йўлларни лойиҳалаш ва қуриш махсус рухсатномаларсиз амалга оширилади.

Автомобиль йўлларидан фойдаланишдан манфаатдор бўлган юридик шахслар, шунингдек тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари йўлларни қуриш ва қайта қуриш ишларида улуш қўшиб иштирок этишлари мумкин. Бундай ҳамкорликнинг шакллари шартномалар билан белгиланади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига келиб қўшиладиган (туташтириладиган) ва улар кесишадиган йўлларни қуриш учун рухсатномалар тегишли йўлларни бошқарувчи ташкилотлар томонидан берилади. Агар бундай туташиш ёки кесишиш жойлари тегишли рухсатномасиз ёки йўл идоралари қўйган шартларни бузган ҳолда қурилган бўлса, йўл идоралари уларни қайта қуриш ҳақида ёхуд жойни дастлабки ҳолатига келтириш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Йўлга ажратилган минтақада иншоотлар (трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линиялари ва ҳоказолар) қуриш ҳамда уларни қайтадан қуриш лойиҳалари йўл эгалари билан ҳамда йўл ҳаракатининг хавфсизлигини назорат қилиб турувчи идоралар билан келишиб олишлари шарт.

Автомобиль йўллари, кўприклар ва бошқа йўл иншоотларини барпо этиш ёки қайта қуриш чоғида алоқа тармоқларини кўчириш юзасидан амалга ошириладиган ишларни қурилиш буюртмачилари ўз ҳисобларидан, алоқа коммуникацияларининг эгалари берадиган техникавий шартларга мувофиқ бажарадилар.

12-модда. Автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмирлаш

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини йўл идоралари сақлаб турадилар ва таъмирлайдилар.

Саноат, қурилиш ва бошқа корхоналар ҳамда хўжалик ташкилотлари ўзларига қарашли кириб келувчи автомобиль йўлларини ўз маблағлари ҳисобига сақлаб турадилар ҳамда таъмирлайдилар.

Корхоналарга қарашли бўлиб, умумий фойдаланиш учун очиқ бўлган автомобиль йўлларини сақлаш харажатларини шу йўллардан доимий фойдаланувчи юридик шахслар улуш қўшиш асосида амалга оширадилар.

Йўл-транспорт иншоотларини (темир йўлларни кесиб ўтиш жойларини, осма кўприкларни, паром кечувларини, трамвай йўлларини ва ҳоказоларни) ана шу иншоотлар эгалари бўлган ташкилотлар сақлаб турадилар ва таъмирлайдилар. Бундай иншоотларни сақлаб туриш ва таъмирлаш тартиби тегишли йўл идоралари билан келишиб олинади.

Автомобиль йўлларини қуриш, сақлаш, таъмирлаш ва қайтадан қуриш ишлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган экология меъёрларини алгатта ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

13-модда. Йўл идоралари ходимларининг ҳуқуқлари

Йўл идораларининг ходимлари хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

йўл қисмларини бузаётган ёки ифлослантираётган, ё бўлмаса ўқига тушадиган оғирлиги, ёхуд ўлчамлари ушбу автомобиль йўли учун белгилаб қўйилгандан ортиқча бўлган транспорт воситаларини тўхтатиш ва автомобиль йўлининг қатнов қисмидан четга чиқариб қўйишни талаб қилиш, шунингдек аниқланган қоидабузарликлар ҳақида протоколлар расмийлаштириш (мазкур протоколлар зарур чоралар кўриш учун Давлат автомобиль инсекцияси идораларига ва транспорт воситаларининг эгаларига, транспорт воситалари йўлни ёки йўл иншоотларини шикастлантирган тақдирда эса — келтирилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун судларга ёки ҳакамлик суди идораларига юборилади);

ўзлари хизмат қилаётган йўл бўлимлари чегарасида умумий фойдаланишдаги рейсли (маршрутли) автобусларда улар кетаётган йўналишда бепул юриш.

Бепул қатнашга рухсат бериладиган йўл идоралари ходимларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси йўл идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Юк автомобилларининг ҳайдовчилари (ҳарбий юклар, почта ташувчи, инкассатор автомобиллари ва бошқа махсус автомобиллардан ташқари) йўл-йўлакай йўл идораларининг ходимларини, агар хизмат гувоҳномасини кўрсатган тақдирда ва ўзлари хизмат кўрсатадиган йўл бўлимида хизмат бурчларини бажариш учун кетаётган бўлсалар, бепул олиб бориб қўйишлари, шунингдек уларнинг талаби билан йўлнинг қатнов қисмидан четга чиқариб қўйиш керак бўлган бузилган транспорт воситаларини шатакка олишлари шарт.

III БЎЛИМ. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

14-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар, уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа юридик шахслар, шунингдек бошқа ҳаракат қатнашчилари автомобиль йўлларидан фойдаланувчилардир.

Чет давлатларнинг юридик шахслари ва фуқаролари республика ҳудудида автомобиль йўлларидан Ўзбекистон Республикаесининг юридик шахслари ва фуқаролари билан баравар фойдаланадилар.

Йўл ҳаракатининг қатнашчилари умумий фойдаланишдаги барча автомобиль йўлларидан, шунингдек умумий фойдаланиш учун очиқ бўлган корхоналарга қарашли автомобиль йўлларидан ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

Транспорт воситаларидан фойдаланадиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар улардан фақат ҳаракат хавфсизлигига жавоб берадиган ҳамда автомобиль йўллари ва йўл иншоотларига путур етказмайдиган ҳолатдагина фойдаланишлари керак.

Транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ва ҳаракатнинг бошқа қатнашчилари автомобиль йўлида ёки унинг сунъий иншоотларида бузуқ жойларни кўриб қолсалар, бу ҳақда йўл ва милиция идораларини хабардор қилиб қўйишлари шарт.

15-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидан ушбу Қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйилган тартибда фойдаланилади. Корхоналарга қарашли автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартибини тегишли корхоналар ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари белгилайди.

Транспорт воситалари автомобиль йўлларида амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ юрмоғи керак.

Автомобиль йўлларидан ўқига тушадиган юк ва оғирлиги белгиланган меъёрлардан ортиқ бўлмаган транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ҳамда механизмларнинг юришига рухсат этилади.

Автомобиль йўлларидан ўқига тушадиган юк ва оғирлиги белгиланган меъёрдан (шу жумладан мавсумлар бўйича) ортиқ бўлган транспорт воситаларининг ўтиши учун уларнинг эгаларидан махсус ҳақ ундирилади. Йўлдан фойдаланишга рухсат берилиши фойдаланувчиларни етказилган моддий зарарни қоплаш учун улардан ундирилган махсус ҳақдан ортиқ бўлган қисмини тўлашдан озод қилмайди.

Автомобиль йўллари чекаларида иш олиб бораётган ташкилотлар ишларини амалга оширишнинг тартиби, муддатлари, сифатига риоя қилиниши учун, шунингдек транспорт воситаларининг автомобиль йўлларида ва айланиб ўтиш жойларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун тўла жавобгардирлар.

Мазкур ташкилотлар иш бошлашдан олдин тегишли йўл идораларидан масъул шахслар, ишларни бажариш технологияси ва муддатлари кўрсатилган ордер олишлари шарт.

16-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш ҳамда уларда юриш шароитини ёритилишига олиб келадиган ишларни амалга ошириш ҳуқуқини чеклаш

Ўзбекистон Республикасининг йўл идоралари билан келишмасдан туриб:

йўл чеккаларида ва йўл учун ажратилган минтақада йўл ахборотига алоқаси бўлмаган реклама-шиорлар, лавҳалар, эълонлар ўрнатиш;

спорт мусобақалари (кросслар, автомобиль, мотоцикл, велосипед пойгалари ва бошқа тадбирлар) ўтказиш;

йўлга ажратилган минтақада кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш;

автомобиль йўлларини каналлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, нефть қувурлари, газ қувурлари, сув қувурлари, темир йўллар ва бошқа коммуникациялар кесиб ўтиши, туташадиган ва ажралиб чиқадиган йўлларни қуриш;

кўприклар ва қувурлар яқинида мелиорация ҳамда бошқа мақсадлар учун дарёларнинг ва зовурларнинг ўзанларини чуқурлаштириш;

умумий фойдаланишдаги йўллар билан бирлаштирилган пилюзларни, тўғонларни ва бошқа мелиорация ҳамда гидротехника иншоотларини таъмирлаш;

йўл четларида ҳамда йўл кўтармалари ва ўймиларининг қияликларида жойлашган алоқа ва электр узатиш линияларини қайтадан қуриш тақиқланади.

17-модда. Автомобиль йўлларида ҳаракатни чеклаш ва тақиқлаб қўйиш

Табиий офат юз берган ҳолларда, таъмирлаш — қурилиш ишларини амалга ошириш чоғида ёки бошқа ҳолларда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари қарорларига мувофиқ автомобиль йўлларида ҳаракат вақтинча тўхтатиб ёки чеклаб қўйилиши мумкин.

Автомобиль йўлларини сақлаш учун жавобгар идоралар йўл учун ажратилган минтақада иш олиб бораётган даврда бу ишлар транспорт ҳамда пиёдалар тўхтовсиз ва хавфсиз ҳаракатига таҳлика солса, йўллардаги ёки уларнинг маълум бўлакларидаги қатновни ёпиб қўйиш ёхуд чеклашга ҳақлидирлар.

Автомобиль йўлларида йўл ишларини амалга ошириш учун қатновни ёпиб қўйиш ёки чеклаш маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари берадиган ордер асосида амалга оширилади.

Берилган кўрсатмаларни ёки ишларни амалга ошириш учун ордерда кўрсатилган муддатларни бузиш, ишларни амалга ошираётган идораларнинг қонунда белгиланадиган миқдорда ва тартибда моддий жавобгарлигига сабаб бўлади.

Шошилинч, кечиктириш мумкин бўлмаган ҳолларда ишларни амалга ошириш учун олдиндан ордер олмасдан туриб ҳам қатновни чеклаш ёки тақиқлаш мумкин, бироқ бу ҳақда йўлларни сақлаш учун масъулиятли бўлган идораларга ва Давлат автомобиль назорати идораларига хабар бериш шарт.

18-модда. Автомобиль йўлларига туташ ер эгаларининг ва ердан фойдаланувчиларнинг бурчлари

Ҳудудларидан автомобиль йўллари ўтадиган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар:

умумий фойдаланишдаги йўлларга қўшиладиган ва уларга олиб борадиган йўлларни техникавий жиҳатдан соз ҳолда сақлашлари;

йўлкаларни, пиёдалар йўлларини ахлатдан, лойдан ва қордан тозалаб туришлари;

дов-дарахтларни асраш ва яхши сақлаб туришга ёрдам беришлари;

йўлга туташ буталар ва биноларни парваришлаган ҳамда бўялган ҳолатда сақлашлари;

йўл ўртасидан 50 метрдан кам бўлган масофада тош, шох-шабба, конструкциялар ва бошқа материаллар тўпланишига йўл қўймасликлари шарт.

19-модда. Йўлларда транспорт воситаларига техникавий ёрдам кўрсатиш

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станциялари, автомобиль транспорти корхоналари ва ташкилотлари (ушбу корхоналар жойлашган биноларда), кооперативлар транспорт воситаларига техникавий ёрдам кўрсатадилар.

Техникавий ёрдам кўрсатиш ташкил этиладиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан автомотоҳаваскорлар республика кўнгилли жамияти билан келишилган ҳолда тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади.

Корхоналарга қарашли автомобиль йўлларида автомобилларга техникавий ёрдамни шу йўлларнинг эгалари кўрсатадилар.

20-модда. Автомобиль йўлларида тиббий ёрдам кўрсатиш

Автомобиль йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланганларга тиббий ёрдам ана шу йўлларга яқин бўлган тиббиёт муассасалар томонидан кўрсатилади.

Халқаро ва давлат аҳамиятига молик автомобиль йўлларидаги ана шундай тиббиёт муассасаларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг йўл идоралари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати билан келишган ҳолда белгиланади.

21-модда. Автомобиль йўлларининг давлат томонидан назорат қилиниши

Автомобиль йўлларининг ҳолати узлуксиз ва хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлишини ҳокимият ва бошқарув идоралари назорат қиладилар.

22-модда. Йўл идораларининг автомобиль йўллари тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлиги

Йўл идоралари ўзлари хизмат кўрсатаётган автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари транспорт воситаларини узлуксиз ва хавфсизлигини ўтказиб туришни таъминлайдиган соз ҳолатда сақланиши учун жавобгардирлар.

Автомобиль йўлларини бошқарувчи идоралар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажармаганлиги оқибатида йўл шароитлари ёмонлашуви туфайли юз берган йўл-транспорт ҳодисалари натижасида етказилган зарарни автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларга тўлашлари шарт ва улар юз берган ҳодиса оқибатларининг оғирлик даражасига қараб интизомий, мулкий, маъмурий ёки жиноий жавобгар бўладилар.

Йўл шароитлари билан боғлиқ ҳолда юз берган йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоралари томонидан автомобиль йўлининг тегишли бўлагини бошқарувчи йўл идораси вакиллари иштирокида расмийлаштирилади.

23-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг жавобгарлиги

Автомобиль йўллари бўлакларининг бузилиб, йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлишига йўл қўйган мансабдор шахслар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Йўл белгилари, кўрсаткичлар, автопавильонлар, йўл ёқасидаги дов-дарахтлар, қор ва қум қўчишларидан ҳимоя қилувчи иншоотларнинг ҳамда автомобиль йўлларини ободонлаштиришнинг бошқа жиҳозлари шикастланишига йўл қўйган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар мазкур элементларнинг ва уларни қайта тиклаш ишларининг қийматини тўлайдилар.

Йўл қопламасини, йўл четидаги ихоталар, тупроқ кўтармаси, тўсиқ қурилмалари, кўприклар, кўтарма, осма йўллар, сувни оқизиб юборадиган ва бошқа иншоотлар шикастланишида айбдор бўлган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар уларни йўл идоралари белгилаган муддатларда ўз кучлари билан ва ўз ҳисобларидан таъмирлашлари (қайта тиклашлари) ёки келтирилган зарарнинг ўрнини қоплашлари шарт.

Айбдорлардан йўл хўжалигига етказилган моддий зарар, шунингдек ушбу Қонунда кўзда тутилган жарималар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ундириб олинади.

24-модда. Халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган халқаро шартномада Ўзбекистон Республикасининг Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонунларидагидан бошқача қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

● *НОДИРА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 200 ЙИЛЛИГИГА*

ОЙИМЛИКЛАР ТАРАДДУДИ

● Таниқли шоира Нодирабегим таваллуди йиллиги Жалақудуқ районидаги кўҳна Ойим қишлоғида алоҳида байрам бўлади. Гап шундаки, бир вақтлар бу қишлоқ ўрни тўқайзор бўлган, шоиранинг эри — Амир Умархон шу ерларда ов қилиб, дам олишни ёқтирган. Шундай сафарларда кўпинча Нодирабегим ҳам хон билан бирга бўлган, сўлим Қорадарё бўйларида яшаб, ижод этган.

Ривоятларга кўра, Амир Нодиранинг илтимоси билан шу ерда обод қишлоқ барпо этиб уни севимли маликанинг исми билан Моҳларойим деб атаган. Йиллар ўтиши билан қишлоқнинг номи «Ойим» бўлиб кетган.

Маърака кунигача қишлоқ марказида аҳолининг саъй-ҳаракати билан шарқона савдо расталари қурилади, шоира қадами теккан Кўклам масжиди таъмирланади, Нодирабегим номидаги истироҳат боғи барпо этилади.

Бунинг учун анчагина маблағ керак, албатта. Ойимликлар, бу ердаги корхона ва кооперативлар жамоалари шу мақсадда шанбаликка чиқадилар. Ишлаб топиладиган, шунингдек меҳнат жамоалари ўтказадиган пул белгиланган ишларни амалга оширишга сарфланади.

К. НИЗОМОВ, ЎзА мухбири.

«МУҲАББАТ БОЗОРИ» ФОШ БЎЛДИ

● Ҳа, дунёда бозорларнинг санаб саноғига ,ўйлаб охирига, қараб зийнатига тўймайсан, киши. Қовун бозори гул бозори... Лекин «муҳаббат» бозорини ҳеч эшитганмисиз? Бу бозорда бирор нарса қўлда сотилмайди ва сотиб олинмайди ҳам, Бу бозорда фақат тунда ишқ-муҳаббат, кўнгилхушлик, ҳиёнат ва кўз ёшлари билан савдо қилишади.

Келинг, яхшиси шундай бозорларнинг биттаси билан таништирайлик. Китоб шаҳрида истиқомат қилаётган К. М. исмли жувон ўзи яшаб турган уйида «муҳаббат» бозори очибди. Унинг довруғи эса тезда ён-атрофга, ҳатто олис юртларга ҳам бориб етибди. Турли ёшдаги мижозлар бу бозорга яширинча кела бошлабдилар. Бозор соҳибаси мижозларни қўш қўллаб қабул қилар, уларга шарт-шароит яратар, кўнгиллари истаган ишни амалга оширишларида ёрдамлашар экан. Аммо тўловлар эса турли-туман, хоҳланг пул билан, хоҳланг...

Хуллас, бозор эгаси К. М. ўз уйига навбатдаги «меҳмонлар»ни — Х. Д. ни Янгийўл шаҳридан, Х. М. исмли қизни Қарши шаҳридан алдаб-авраб, қулоғига лағмон осиб, бир амаллаб уйига олиб келади ва бозорни юргизиб юборади. Бу гулдек икки «саёҳатчи меҳмонлар» мижозларга пул, ҳар хил хизмат ва турли-туман қиммат нарсалар ҳисобидан сотила бошлайди. Кунлардан бирида бозор соҳибаси К. З. исмли йигитнинг олдига келиб «муҳаббат» бозорига ташриф буюришни, эвазига бир бидон, яъни 30 килограмм пахта ёғи беришни таклиф қилади. К. З. ҳам шундай тақчил замонда ўзи ишлаб турган дўкондан 30 килограмм пахта ёғини кўзини чирт юмиб уй соҳибасига олиб келиб беради. Эвазига вояга етмаган Х. Д. билан кўнгилхушлик қилиб, тонгни шу бозорда отбир ёнда эса «муҳаббат» бозори...

1992 йил январь ойининг бошларида К. М. ўз уйига А. Б. исмли йигитни таклиф қилиб, унга Х. М. ни 150 сўмга сотиб қўяқолди. Шу ойбилан тонг оттириб, унга 100 сўм пул берган эди, шу пулни ҳам бозор «хўжайини» ўзига олиб қўйди. 21 январ кунида Ш. С. исмли йигитча бўйдоқлигидан озор еб, бозор айланиб, машҳур бўлган шу бозорда сотувчи ҳам, мижоз ҳам бўлмайди. Бозорнинг сири фош бўлиб, бозор соҳибаси Китоб ноҳия халқ судининг ҳукми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Бозорга қатнаган мижозлар ёру дўстлари олдида юзлари шувут бўлиб, суд залидан бош эгиб чиқиб кетдилар, Биз эса икки гулдек «меҳмон» жувонни эсон-омон ўз шаҳри, ота-оналари ҳузурига юбордик.

Азиз муштарий! Бу Китоб шаҳрида фош бўлган «муҳаббат» бозорининг биттасидаги ҳангома, холос. Балки шундай «муҳаббат бозорлари»нинг сони кўпдир, бу бозорларда ҳам шу хилдаги ақл бовар қилмайдиган савдою-тўловлар авжидадир. Шундай ёруғ замон, дину маданият, урф-одат, диёнату муҳаббат яшнаб бораётган бир даврда, бундай иллатга қарши курашмасак, эрта-индин у зарпечакдек ҳаммаёкни босиб кетиши мумкин.

Сайид МИРЗАЕВ,
Китоб ноҳия ички ишлар бўлимининг терговчиси, милиция капитани.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА

ХЎЖАЛИКДА ЎЗИГА ХОС ДАРОМАД МАНБАИ

● Табиатга, инсон соғлиғига зарарсиз ўғит бўладиган чувалчанглар — гумуснинг ҳосилини яхши билган Қизилтепа районидаги «Меҳнат-роҳат» жамоа хўжалигида ўзига хос даромад манбанга қўл урилди.

Собиқ раис, меҳнат фахрийси Саттор Жумаев атиги 20 метр-квадрат жойда 150 минг дона чувалчанг урчишига эришди. Бу усулни у андижонлик тадбиркор Рустам Усмоновдан ўрганган. Натижа ёмон эмас. Шу йил охиригача чувалчанглар сони бир миллиондан ошади. Бу дегани қўлбола ўғит кескин кўпаяди. Хўжалик деҳқонлари 1993 йил баҳоридан полиз, сабзавот экиладиган гумус солишмоқчи. Келаси йилларгача эса пахта далаларига ҳам шу қўлбола ўғитдан солинади. Гумус кирган ерда уч йилгача химиявий ўғитлар ишлатилмайди.

КОНЦЕРН ТЕЗКОРЛИК БИЛАН ШАКЛЛАНМОҚДА

● Навоий шаҳрида «Қизилқумредметзолото» давлат концерни ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ ҳозирданоқ унинг муассислари ўнга етиб қолди.

Навоий кон металлургия комбинати, қурилиш бошқармасининг «Югпроммонтаж» трести, Ўрта Осиё саноат технологияси илмий-текшириш институти, Каттақўрғон қурилиш материаллари комбинати ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Асосан ер ости бойликларини қидириш, таркибида олтин ва бошқа қимматбаҳо металлар бўлган тоғ жинсларини қазиб олиш, қурилиш материаллари ҳамда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган бу концерн ана шу тартибда тезкорлик билан шаклланмоқда. У 2000 йилгача қарийб 3 миллиард сўмлик капитал маблағларни ўзлаштириши керак.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА

ҚАДИМГИ МАРВ СИРЛАРИ

● Тошкент Давлат дорилфунуни тарих факультетининг археология кафедраси талабалари таниқли ўзбек археолог олими тарих фанлари номзоди З. И. Усмонова раҳбарлигида Туркманистоннинг Марв вилоятидаги қадимги Эрккалъа шаҳарчасида археологик қазилма ишларини олиб бордилар.

Қум босган тепаликлардан бирида хум топиб олишди. Қуёш жазирамаси ўта хароратли жойларда қўл келадиган катта сиғимли бу ҳумнинг девори қалинлиги ва пишиқ ишланганлиги билан диққатни жалб этади. Бундан ташқари унинг ёнида мўндилар ҳам қолиб кетган экан. Хум ўчоққа ўрнатилганлиги, унда кул қолганлиги бу улкан идишда бирор суюқлик қайнатилганлигидан далолат беради. Кейинчалик бу ҳумнинг атрофи пишган ғишт билан девор қилиб урилган. Шу хонанинг яна бир бурчагида чуқурлиги 2,5 метрли зиндонга ўхшаш ўра ҳам бор экан. Ўранинг остидан эрамизнинг IV—V асрларига оид сопол кошин парчалари ва ҳайвонлар суяклари топилди. Бўлғуси археологлар ана шу жумбоқли топилмалар асосида бу жойда турмуш тарзи қандай кечганлиги ҳақида изланишлар олиб бормоқдалар.

П. СИЛИН.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ». «ХИЁНАТ», ШУ ЙИЛ, 22 ИЮЛЬ.

СОТҚИНДА ВАТАН ТУЙҒУСИ БЎЛМАЙДИ

ХАЛҚ ўз орасидан чиққан ботирларни ҳамиша улуғлаганидек, сотқинлардан ҳамиша нафратланиб келган. «Хиёнат» мақоласини ўқидиму, кўнглим тубида ётган фикрлар бирдан қўзғалди. Ҳа, мен ўз халқининг энг асл фарзандлари қўлига кишан урдириш билан амал пиллапояларидан юқорига кўтарилишни мўлжаллаган бу қабиҳ инсонни яхши билардим. 60-йиллар ўрталарида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб юрган кезларим унинг шахсий ҳаёти, дала ҳовлисидаги можаролар хусусида эшитиб юрардим, маънавий дунёсининг бузуқлигини сезгандим. Раҳматли Шароф Рашидович, дарҳақиқат партия Марказий Комитети обрўсини тўкмаслик қолаверса, ўзларининг бағри кенглиги, инсон тақдирига бефарқ қарамаслиги, унга иложи борича ғамхўрлик қилишдек шахсий фазилатларидан келиб чиқиб, Нишоновни дипломатия ишига жўнатганди. Афсуски, яхшиликка ёмонлик қайтди.

Р. Нишоновнинг Ўзбекистонга хизмати сингган, қобилиятли, ишчан кадрларни қийратиш, уларнинг қўлоёғини боғлаб манфур Гдлян гуруҳи қўлига топширишдай ёвуз сиёсати қурбонларидан бири менман. Узоқ йиллар партия, совет органларида ишладим. 10 йил Фарғона вилояти фирқа қўмитасининг биринчи котиби бўлдим. Мақтаниш эмас, лекин ўша йиллари вилоятда амалга оширилган улкан ишлар, катта-катта қурилишлар, вилоят ижтимоий-иқтисодий потенциали юксалиши — буларнинг ҳаммасига Фарғона халқи гувоҳ. Рафиқ Нишонов республика раҳбари бўлиб ўлгач, Тошкентда менга нисбатан муносабат ўзгараётганини сездим. Бунинг устига Гдлян гуруҳининг ходимларидан бири С. Жўраев бир-икки марта кабинетимга келиб суҳбатлашди. Бундан ташқари вилоятдаги айрим раҳбар ходимлардан мен ҳақимда маълумот олишга уринаётгани аён бўлди. Бу ҳақда дарҳол Нишоновга айтдим ва сабабини сўрадим. Нишонов В. Анишчев билан бирга: «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида сизнинг ҳақингизда ҳеч қандай бадном этувчи материал йўқ. Биз сизни қобилиятли раҳбар, вилоятда ва бутун республикада ҳурматга сазовор киши сифатида биламиз», дея хотиржам қилишди. Ўзим ҳам бу ишларга унча парво қилмадим. Чунки қўрқадиган жойим йўқ. Умр бўйи на ўзим, на оила аъзоларим ноҳалолликнинг кўчасидан ҳам ўтмаганмиз.

1988 йил 19 октябрь куни Тошкентга Марказком бюро йиғилишига чақиришди. Бюро йиғилишидан аввал Нишонов кабинетига таклиф қилди ва уёқ-буёқдан гапира туриб «ариза ёзинг. Пенсияга чиқасиз» деган маънода шама қилди. Мен ўша онда ариза ёздим. Лекин:

— Рафиқ Нишонович, ҳозир Фарғонада пахта терими авж палласида. Жуда долзарб дамлар, балки планни бажариб олгунимизча имкон берарсиз. Чунки ҳозирги шароитда биринчи раҳбарликнинг алмашуви иш суръатига ҳалақит бермасмикин, — дея фикр билдирдим.

У лом-мим демади. Мен кабинетдан чиқиб кетдим. Кўп ўтмай Бухоро ва Самарқанд вилоятлари фирқа қўмиталарининг биринчи котиблари Й. Жабборов ва Н. Ражабовлар шу хонага кириб келишди. Иккаласи ҳам ўта ҳаяжонланган эди. Сабабини сўрасам Н. Ражабов «ҳаммаси тамом» деган маънода қўл силтади. Кейин билсам, уларни шу ердан чиқишлари билан ҳибсга олишган экан. Улардан кейин мени бюро ўтаётган хонага чақиришди.

— Ҳамдам Умаров нафақага чиқишни сўраб ариза берган, — деди Нишонов тилёламалик билан. — Энди обком пленумини ҳам ўзингиз бошида туриб ўтказиб берасиз.

Мен Фарғонага қайтиб келишим билан ортимдан Расул Ғуломов бошчилигида бир гуруҳ тошкентлик вакиллар етиб келишди. Улар вилоят фаоллари билан учрашиб, очиқдан-очиқ «қайта ишлашни» бошлаб юборишди.

Вилоят фирқа қўмитаси пленумидан кейин бир ҳафта ўтгач, Гдлян гуруҳи терговчиси С. Жўраев мени суҳбатга чақирди ва сурбетларча:

— Мана, ишдан ҳам бўшадингиз, энди оддий нафақахўрсиз, холос, сиз билан нимани ҳоҳласак шуни қиламиз! — дея дағдаға қилди. Бундай муомала мени ҳайратга солди ва терговчи ҳузуридан чиққач Р. Нишонов қабулига кириб, бу қадар ҳурматсизлик ва таҳдидлар боисини суриштирдим. У маккорона кулимсираб:

— Ҳеч нарса бўлмайди, — дейиш билан кифояланди. Бироқ, таъқибу таҳдидлар, сўроққа чақиришлар давом этаверди. 1988 йил декабрида мен СССР Олий Советининг навбатдаги сессиясига бордим ва шу ерда Нишоновни учратиб:

— Менинг кимлигимни биласиз, вилоятга, қолаверса республикага анча-мунча хизмати сингган бир инсон тақдири наҳотки сиз учун фарқсиз бўлса? Бу муттаҳамлардан бизни ким ҳимоя қилади, ахир?! — дея қаттиқ гапирдим.

Афсуски, дардимни тилсиз ҳайкалга айтган эканман. Орадан кўп ўтмай уйимда қамоққа олишиб, Москва турмасига олиб бориб ташлашди. Бу ердаги таҳдидлар, маънавий қийноқлар ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Энг оғир дамларда кўрмасам, эшитмасам-да, она халқим, юртимнинг руҳий мададини ҳис қилдим. Халққа, Ўзбекистонга зарари тегадиган бирор гап айтмадим. Тергов гуруҳи ўз мақсадига эришолмади. Оқибатда 1989 йил октябрь ойида мени озод қилишга мажбур бўлишди. Кейинчалик ўша «нишоновчилар» бошлаган кампания даврида ноҳақ қамалган барча бошқа кадрларимиз ҳам қайтиб келишди, ҳақ жойида қарор топди.

Рафиқ Нишонов мана шу тарзда ёвуз ишларнинг бошида турган. Бир томондан республика раҳбар кадрларини ҳар хил йўллар билан тинчлантириб, алдаб, иккинчи томондан Гдлян ва Иванов гуруҳининг қилмишларига кенг йўл очиб берган. 1986 йилда у Рашидовга «маккор ва хавфли шахс» дея туҳмат қилган эди. Ҳолбуки, ўзбек халқи маккор ва хавфли шахс ким эканлигини энди яхши билиб олди. Жаҳонгир Амир Темур душман қалъасини қамал қилиб турган пайтда қалъа бошлиғи ҳам қўрқувдан, ҳам катта мукофот таъмасида қалъани унга очиб беради. Доно жаҳонгир ўзи билан мардларча олишган қалъа соқчиларини эмас, балки сотқин бошлиқни қатл этишга фармон берган экан.

Сотқиннинг на миллати, на эл-юрти бор. Сотқинларда Ватан туйғуси ҳам бўлмайди. У ҳамиша нафратга ва қарғишга сазовор кимсадир. «Хиёнат» мақоласини ўқир эканман, мен ана шуларни ҳаёлимдан ўтказдим.

Ҳамдам УМАРОВ,
меҳнат фахрийси.
Фарғона шаҳри.

Хиёнатга яраша жавоб берсин!

Мақола чиққан куни эртасигаёқ муҳарририятга хатлар ёғилишини тасаввур қилдим. Чунки Ўзбекистон қишлоқларида «Пахта иши» касофати тегмаган хонадон йўқ. Ҳа, И. Усмонхўжаев билан Р. Нишонов қисқа вақт раҳбарлик даврида ўз халқини, ўз юртини балолардан асрай олмадилар. «Яхшидан от, ёмондан дод» деб шуни айтадиларда!

Мен қатағон қурбонларидан бириман. Ўшанда вилоят матлубот жамияти правлениесининг раиси эдим. Б. Раҳимов жумҳурият Министрлар Совети раиси ўринбосари вазифасидан кетгандан эътиборан (дарвоқе, мен у кишининг райондошиман) бошимга таънаю дашномлар ёғилди. 1986 йил 27 ноябрь куни кечқурун (кундузи эмас) партия комитетининг бюро мажлисида масаламни кўришди. Охири ишдан олишди...

Дунёда халқ қарғишидан ёмони йўқ. Бегуноҳ қамалган, бандаликни бажо келтирган кишиларнинг, юртдошларимизнинг қарғишлари Нишонов ва унинг гумашталарини тинч қўймаслиги аниқ. Биргина Нарпай ва Пахтачида Нормамат Эсонов, Курбон Ражабов, Эшонқул Жўраев, Рўзиқул Маҳманов, Сайфи Сағдинов сингари ажойиб қалб эгалари, уста пахтакорлар виждон азобида, турма уқубатларига дош беролмай ҳаётдан кўз юмдилар.

Шукурлар бўлсинким, жумҳуриятимизнинг бугунги раҳбарияти ана шу бегуноҳ юртдошларимиз номини оқлади. Тирик қолганларига иш топиб берилди. Бироқ, уларнинг қалб яраси битармикан? Нишонов жумҳуриятга жазо отрядини олиб келаётганда ана шу ҳақда ўйладимикан?

Қалб ярасининг битиши қийин. Лекин биз ҳозирги шароитда қўнглимизни кўтараётган, халқимиз номини оқлаётган жумҳурият Президентига ҳар томонлама ёрдам беришимиз зарур. Бунинг учун авваламбор бир-биримизни қадрлайлик. Бир-биримизнинг ҳурматимизни жойига қўяйлик. Мен ҳам уч—тўрт йил бекор юриб маломатларга қолиб, юрак хасталигини орттирдим. Ҳар қалай ҳамкасбларим, яхши одамлар четга суриб қўйишмади. 7 та номзоднинг ичидан вилоят тайёрлов-савдо бирлашмасига раис этиб сайландим. Демак, халқимиз сидқидил меҳнатни ҳеч қачон унутмас экан.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси «Хиёнат» мақоласини бериб жуда савобли ишга қўл урган. Мақола муаллифлари Нишоновнинг қилмишқидирмишларини фош этишга маънавий ҳақли одамлар. Уларнинг талаблари тўғри, халқ бошига мусибатлар солган нишоновчилар, гдлянчилар бизнинг юртимизда, бизнинг юртимиз қонунлари олдида жавоб беришлари керак. Мен жумҳурият Олий Кенгашига ушбу таклифни киритиш керак, деб ўйлайман.

Абдулла МАРДОНҚУЛОВ,
Самарқанд вилоят тайёрлов-савдо бирлашмаси раиси, матлубот савдоси аъзоси, ХДП аъзоси.

● АКС—САДО

ҲАҚИҚАТ СИНМАЙДИ

● «Хиёнат» мақоласини ўқиб, бошимдан ўтган аянчли воқеалар кўз олдимда намоён бўлди.

1985 йилнинг 15 апрели кунини ҳеч қачон унутмайман. Ўша куни мени иш кабинетимдан олиб кетишди. Гўёки мен пахтани қўшиб ёзиш билан шуғулланган эмишман. Шунда партия аъзолигим ва район Кенгаши депутатлигимни ҳисобга олишмади. Тошкент шаҳридаги республика ички ишлар вазирлиги ер ости қамоқхонасига олиб бориб, 107 кун ўта хавфли жиноятчилар орасида сақлаб, тергов усулида қўлланмайдиган азобларни беришди. Уларнинг талабига биноан кимгадир туҳмат қилишим ёки ҳалол раҳбарларга нисбатан нотўғри кўргазва беришим керак эди. Лекин бундай иш тутишга виждоним йўл қўймайди. Ҳатто уйимдагиларга ҳам зулм ўтказишди. Ўзимни Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси ички ишлар бўлими қамоқхонасида 36 кун қийноқ билан сақлашди. Сўнгра 1986 йилнинг февраль ойи охирига қадар Тошкент қамоқхонасининг махсус ертўласида ўта хавфли жиноятчилар ўртасига қўйиб қийнашди. Ҳамма қийинчиликларга бардош бердим. Ҳақиқатни талаб қилиб, собиқ СССРнинг маъмурий органларига, республика раҳбариятига бир неча бор мурожаат қилдим. Тергов оқибатларидан азоб чекканлигим, туҳмат балосига учраганлигим ҳақида батафсил аризалар ёздим. Қанчадан-қанча ҳаракатларим зое кетди. Бутурлин, Усатов, Дидоренко, Гайданов сингари республика маъмурий органлари жиловини бошқараётган шахслар менга ўхшаб адолат қидириб келганларни, ҳатто идоралар остонасига ҳам йўлатмадилар, дардимизга қулоқ солмадилар.

Ниҳоят яхши кунлар келди. Халққа азоб берган қора кучлар четга чиқиб қолаверди. Республикамиз раҳбариятига адолатпарвар инсонлар ўрнашди. Дардимизни одил судда тинглашди. Ҳақиқат қарор топди. Менга қўйилган айбларнинг ҳаммаси уюштирилган эканлиги исботланди. Аммо менинг ўзим ҳам, оила аъзоларим ҳам эртами-кечми шундай ёруғ кунлар келишига, адолат қарор топишига ишонардик. 1989 йилнинг 3 февраль куни мен бутунлай оқландим. Ўша йилнинг 15 ноябридан бошлаб ўз вазифамга қайта тикландим. Жамоам мени қувонч билан қарши олди.

Республикамиз мустақил давлат сифатида дунёга танилаётганлиги, бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг саъйи-ҳаракатларидан мамнунмиз. Ўша машъум кунлар ҳеч қачон халқимиз бошига тушмасин. Газета мақоласида таъкидланганидек, Рафиқ Нишоновдек республикага хиёнат қилган кишилар ҳам инсофга келиб, мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи учун жонини жабборга бериб, курашаётганлар сафида бўлишини истайман.

Рустам ЖЎРАЕВ,
Яккабоғ пахта тозалаш заводи директори.

МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИДА

ЯНГИ ГАЗЛАМАЛАР ЯРМАРКАСИ

● Ўзбекистон Республикаси 50 йиллиги номи билан Наманган шойи газламалар комбинатида янги маҳсулотлар ярмаркаси ўтказилди.

Унда Фарғона водийсининг барча тикувчилик фабрикалари, кичик корхоналар, айрим ширкатларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Ярмарка давомида 60 дан зиёд фойдали шартнома имзоланди. Қарийб бир миллион сўмликдан зиёд газламалар сотилди. Харидор-буюртмачилар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар бундан кейин ҳам газламалар намойишини ўказишга келишиб олдилар.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

ҲУНАРМАНДЧИЛИК РАВНАҚ ТОПМОҚДА

● Андижон район маҳаллий саноат комбинати жамоаси миллий ҳунармандчилик анъаналарини қайта тиклашга ҳаракат қиляпти.

Бу ерда темирчилик, кулолчилик, тикувчилик ва бошқа ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилмоқда. Маҳаллий саноатчилар ҳозиргача 34 турдаги маҳсулотлар тайёрлашга муваффақ бўлдилар.

Яқинда комбинат маъмурияти аҳолининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Красноярск ўлкаси ҳамда Сухуми шаҳри ишбилармонлари билан ҳамкорлик битимини имзоладилар. Унга кўра, бу юртлардан мол айирбошлаш эвазига ёғоч-тахта келтирилади.

Ш. КЕЛДИЕВ.

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

ЎРТА ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИГА ЁРДАМ БЕРИШ РЕЖАЛАРИ

● Америка Қўшма Штатлари билан Исроил Ўрта Осиёдаги бешта давлатга ёрдам бериш қўшма тажриба режалари доирасида саъйи-ҳаракатларни бирлаштирмоқдалар.

Қуддус шаҳрида эълон қилинган баёнотда шу тўғрида сўз боради. Расмий ҳужжат Исроил ташқи ишлар вазири Шиймон Перес АҚШ Президентининг махсус вакили Ричард Армитиж билан учрашганларидан сўнг эълон қилинди.

Маълум бўлишича, Исроилнинг қишлоқ хўжалик ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг мутахассислари Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистонга ёрдам берадилар. АҚШ режани амалга оширишда беш миллион доллар ажратиши кўзда тутилади.

САЙЛОВ АРАФАСИДА

● Ҳиндистонда президент сайлови 19 август кунига белгиланган.

Таниқли сиёсий арбоб ва дипломат К. Р. Нараянан эса вице-президент лавозимига номзоди қўйилган. Мамлакатдаги ҳукмрон Ҳиндистон Миллий конгресси «И» партияси вице-президентликка Нараянанни кўрсатган. У тажрибали дипломат, Ҳиндистоннинг Таиланд, Туркия, Хитой, АҚШдаги элчиси бўлган, давлат вазири сифатида Ҳиндистон ҳукуматига кирган.

ВАЗИР ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

● Италия ташқи ишлар вазири христиан-демократ Винсенсо Скотти истеъфога чиқди.

Истеъфонинг расмий сабаблари ҳам маълум бўлди. Бунга Христиан-демократик партия раҳбарларининг парламент мандатларини ва министрлик лавозимларини қўшиб олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги янги қоидани жорий этганлиги истеъфога чиқишнинг сабаби бўлди.

(Ахборот агентликлари хабарлари асосида тайёрланди).

● *Ишчи манфаатининг кафолати*

ИККОВЛОН ТУГАЛ БЎЛСА...

●«Меҳнатобод» давлат хўжалиги Ғиждувон районидаги дончилик ва чорвачиликка ихтисослашган ягона хўжаликдир. Бу ерларда, гарчи тошлоқ бўлсада, кўплаб дон ва чорвачилик учун озуқа етиштирилади. Бу йил хўжаликда 100 гектар майдонда буғдой пишиб етилди. 145 гектар майдондаги қорабуғдой, қарийб 200 гектар ердаги бедадан мўл ҳосил олинди. Кўплаб сенаж бостирилиб, беда ғарамланди. Дала ишлари бошида ХДП бошланғич ташкилоти ва касаба уюшмаси қўмитаси турибди.

Иккала ташкилотнинг боши қовушиб ишлаётгани сабабли вужудга келаётган ҳар қандай муаммолар ҳам вақтида ҳал этилмоқда. Айниқса, ишчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ҳар иккала ташкилотнинг фаолиятида муҳим ўрин тутган. Чўл шароитида қийин юмушларни бажараётган чорвадорларга бу ерда қурилган 17 та уй хусусий мулк сифатида қонунлаштириб берилди. Қолган барча ишчиларга эса чўл шароитини ҳисобга олиб, иш ҳақига қўшимча коэффициент ҳамда томорқалар берилди. Касаба уюшмаси ишчиларга бериладиган овқат пулини чамалаб чиқди. У қарийб 180 минг сўмни ташкил этар экан. Ўйлаб қаралса, бу пул билан ишчиларнинг қорнини тўйғазиб бўлмайди, чунки, бозорда маҳсулотлар нархи юқорилаб кетаётир. Шунинг учун ҳам партия ташкилоти, дирекция бир тўхтамга келиб, ишчиларнинг кундалик овқатланишлари марказлаштирилди. Тушликда бир ерда иссиқ овқат тайёрланиб, меҳнат жамоаларига тарқатилмоқда. Бу ҳаммага маъқул тушди.

Чўлдаги мактаб ва болалар боғчасида ишчиларнинг фарзандлари тарбияланиб, билим олмоқдалар. Бу масканлар таъминотини ҳам хўжалик ўз зиммасига олган. Боғчада ҳар бир боланинг кундалик овқатланиши 5—6 сўмга тушмоқда.

— Кишиларнинг манфаатини кўзлаш ҳамиша диққат марказимизда, — дейди касаба уюшмаси қўмитаси раиси Носир Жўраев. — Уларга ғамхўрлик ҳаммамизнинг бурчимиздир. Шу боис ишчилар соғлиғини муҳофаза қилиш борасида имконият даражасида ишлаяпмиз. Кам даромадли оилаларга бир йўла 300 сўмдан моддий ёрдам кўрсатдик. Хонадонида чорва моли бўлмаган ўн оилага қорамол берилди. Ўнлаб ишчилар даволаниш учун санаторий ва курортларга юборилади.

Ўзаро ҳамкорлик юксак самара бераётганлигини ишчиларнинг меҳнат фаоллиги ошганлигида ҳам кўриш мумкин. Партия ташкилоти касаба уюшмаси билан биргаликда экин-тикин ва ўримйиғим мавсумида меҳнат беллашувини ташкил этди. Меҳнат илғорларига 100 сўмдан мукофот пули берилди.

Бошланғич партия ташкилоти ва касаба уюшмаси қўмитаси режалаган ҳайрли ишлар анчагина. Ҳозирги тақчил шароитда ишчиларни гўшт, дон билан таъминлаш, аъло баҳоларда ўқийдиган ўқувчиларга стипендиялар жорий этиш ҳам режаланган. Бу ҳам ишчи манфаати кафолатланишининг бир мисолидир.

Д. БАҲРОНОВ.

ҚИСҚА САТРЛАР

● Наманган давлат дорилфунунининг тўққиз нафар талабаси ўқишни Туркия олий ўқув юртларида давом эттирадилар. Улар танловдан муваффақиятли ўтдилар. Яқин кунларда улар Истанбулга жўнаб кетадилар. Уларнинг айнан қайси мутахассислик бўйича ўқишни давом эттиришлари масаласи талабаларнинг хоҳишига кўра ўша ерда ҳал этилади. Ҳозирча наманганлик талабаларга турк тили, тарих фанларидан бири, дин тарихини танлаш таклиф қилинди.

● Самарқанд тиббиёт институти иккинчи шифохонаси негизида она ва бола маркази очилди. Бу ерда фарзанд кўриш чоғида қийналган аёлларга махсус ёрдам кўрсатадилар. Илгари бундай оналарни бўш ўринлари бор даволаш муассасаларига жойлаштиришар эди. Улар кўпинча умуман тиббий ёрдам ололмас эдилар.

● Фарғона политехника институтида боғбонлар ва иссиқхона хўжалиги деҳқонлари учун зарур дори яратилди. Унинг ёрдамида ўсимликка шўр, кул, шира тушишининг олди олинади, оқ пашша, ўргимчаккана сингари ҳашаротлар йўқ қилинади. Институтнинг Олтиариқ туманидаги махсус тажриба участкасида тайёрланаётган янги дори экологик жиҳатдан тоза, атроф-муҳитга зарар етказмайди.

● Самарқанддаги «хотин-қизлар меҳнати» бадиий каштачилик фабрикасида энди сўзана, зардевор, каштачилик буюмлари ва аёллар устки кийими билан бир қаторда эркаклар кўйлаги ҳам тикилади. Шу мақсадда зарур ускуналар ўрнатила бошлади. Сифатли мато Оренбург тўқимачилик комбинатидан келтирилади.

(ЎзА).

«ЙЎЛОВЧИНИНГ АЙБИ САФАРГА ЧИҚҚАНИМИ?»

● Рўзноманинг шу йил 16 май сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақолада хусусан «Андижон — Тошкент», «Андижон — Наманган — Тошкент» поездлари пойтахтга эрта келаётганлиги, йўловчиларга ноқулайлик туғдираётгани, шунингдек, билетлар нархи ўртасида тафовутлар борлиги ҳамда бошқа камчиликлар танқид қилинганди. Ушбу мақола юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳақида «ЎРТА ОСИЁ ТЕМИРЙЎЛЛАР БОШҚАРМАСИ»дан жавоб олинди:

— Мақола бошқарма тегишли хизматлари томонидан муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида қайд этилган камчиликларни бартараф қилиш режалари белгиланди ва қуйидагилар амалга оширилди:

59-рақамли «Андижон — Тошкент» поезди 31 майдан бошлаб Тошкентга маҳаллий вақт билан ўн беш минути кам еттида кириб келяпти. Поездларнинг келиши ҳамда кетишини ҳисобга олган ҳолда пойтахтнинг икки шоҳ бекатини боғловчи қисқа масофада поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Патталар нархи ўртасидаги фарқ бартараф қилинди ва хатога йўл қўйган масъул ходимлар интизомий жавобгарликка тортилди.

Пойтахтимиз шоҳбекатларида ҳамда вилоятларнинг марказидаги шоҳ бекатларда иккитадан соат ўрнатилди. Уларнинг бири маҳаллий вақтни, иккинчиси темирйўлда ягона бўлган Москва вақтини кўрсатади. Соатларнинг тагида ўзбек ва рус тилларида «Маҳаллий вақт» ва «Москва вақти» деб ёзиб қўйилган.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ДУНЁНИ СУВ ОЛСА...»

● Рўзномамизнинг шу йил 22 май сонида юқоридаги сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда Асака районидаги ўрта мактаб қурилиши бир неча йилдан бери пайсалга солинаётганлиги танқид қилинганди. Ушбу мақола юзасидан АНДИЖОН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДАН олинган расмий жавобда жумладан, шундай дейилади:

— Мақолада баён қилинган фикрлар ҳақиқатдан ҳам тўғри. Аммо шуни қайд қилиш лозимки, вилоятда бугунги кунда 131 та авария ҳолатидаги мактаблар мавжуд. Ҳозирги иқтисодий танглик туфайли уларнинг ҳаммасини тез орада таъмирлаш ёки қайтадан қуришнинг иложи йўқ. Бу йилги режага асосан олтита мактаб қурилиб, ишга туширилади.

Жумладан, мақолада кўрсатилган мактабнинг қурилиши жамоа хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан камқувватлиги туфайли вилоят ҳокимлиги капитал қурилиши бўлими томонидан олиб борилмоқда.

Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 3308 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиб, 2940 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши режалаштирилган эди. Амалда 4166 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди ва 3733 минг сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилди. Мактабни режада белгиланганидек, шу йилнинг тўртинчи чорагида фойдаланишга топшириш чоралари кўрилмоқда.

• ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Фотима АБДУЛЛАЕВА

УМР ЙЎЛДОШИМ ҲАҚИДА

● Азиз муштарий! Газетамизнинг 29 июль сонида атоқли ўзбек олими Ҳабиб Абдуллаевнинг рафиқаси Фотима Абдуллаеванинг хотираларини эълон қила бошлаган эдик. Унда Ҳабиб ака билан Фотима опанинг ҳаёт йўллари дебочаси ҳақида сўз борди. Бу сафар олимнинг уруш йилларидаги фаолияти ҳақидаги хотираларни ўқийсиз.

ХАБИБ Муҳамедович отасиз ўсганлиги учун жуда эрта, болалик чоғидан ишлай бошлаган эканлар. Бунинг далили—Ҳабиб Муҳамедович институтни тугатиб, Москвага аспирантурага юборилганда етти йилу уч ой ишлаган бўлганлар. Аспирантурага эса 1935 йилда кирганлар. Ҳабиб Муҳамедович студентлик йилларида ҳам учинчи курсдан бошлаб, институтларда, техникум, рабфакларда дарс бера бошлаганлар.

1939 йил 25 ноябрда СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Геология ишлари билан шуғулланувчи комитет Ҳабиб Муҳамедовичга шундай мактуб йўллайди: «Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги илм комитети Президиуми сизни уларнинг ихтиёрига юборишни сўрашган. Хатнинг мазмунига кўра, бу гаплар сизга маълум ва сиз Тошкентда ишлашга розисиз. СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Геология бўлимининг раис муовини ўртоқ Борисовнинг сизнинг Тошкентга ўтишингиз ҳақида розилиги бор. Шу қарорни олишингиз билан Москвадан Тошкентга кетишингиз учун керак бўлган ташкилий масалаларга киришишингиз мумкин».

1941 йилнинг охирида Ҳабиб Муҳамедовични Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг саноат бўлими мудирлигидан озод этиб, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Раисининг оғир саноат бўйича муовини қилиб ўтказишди. Биринчи фарзандимиз Пўлатжон 1942 йил 16 январь эрта билан соат еттида дунёга келди. Бу ҳодиса биз, ёш ота-онага ва, айниқса, бизнинг оналаримизга дунёдунё хурсандчилик келтирди. Ҳаммадан ҳам, Пўлатжоннинг туғилиши ойимларнинг яраларига малҳам, ёниб ётган юракларига сув сепиб, ўтбосар бўлди.

Шу йил 15 январда Усмон Юсупов бошлиқ раҳбарлар Бекободда пўлат заводини қуриш ишини бошлашга боришган. Ҳабиб Муҳамедовичнинг бевосита ташаббуси ва таклифига биноан барпо этилаётган бу заводнинг қурилиши бошланадиган куни ўзлари йўқ эди. Шунда У. Юсупов «Абдуллаев қани?» деб сўраганлар. Ҳабиб Муҳамедович мен туғруқхонада бўлганим учун улар билан кета олмаганлар. 16 январда кўзим ёригандан сўнг хотиржам бўлиб, ўғил кўрганларидан хурсанд ҳолда, машина билан Бекободга борганлар. У киши етиб келгунларига қадар У. Юсупов «Ҳабиб Муҳамедович келдиларми?» деб бир неча бор йўқлаган. У киши етиб бориб воқеани айтганларидан сўнг Усмон Юсупов Ҳабиб Муҳамедовични ўғил кўргани билан табриклаб, «Ўғлингиз яхши кунда — пўлат заводининг қурилиши бошланишида туғилди. Завод шарафига исми Пўлат бўлсин» деб ном қўйганлар.

Уруш бошланиши билан Ҳабиб Муҳамедовичнинг иш тартиби мутлақо ўзгарган эди. Энди тинчлик вақтидагидек эрталаб ишга кетиб, кечқурун уйга қайтишларидан нишона ҳам қолмаган. Расман, давлат арбоблари ишни эрталаб соат ўндан бошлаши керак бўлса ҳам, уларда тўққиздан иш бошланарди. Унгача почта ва хатларни кўриб чиқишар, кейин асосий ишни бошлаб, кеч соат еттига қадар ишлашарди. Уйга келиб наридан-бери овқатланиб, икки-икки ярим соатгина ухлаб олардилар. Сўнгра кечаси тўққиз ярим, ўнларда яна ишга кетиб, ишдан кўпинча эрталаб уйга келардилар. Якшанба дам олиш куни ҳисоблансада беш йил уруш даврида бу кишининг дам олганлигини эслай олмайман. Ҳабиб Муҳамедович илмий ишни ҳам, СазПИ да ўқитувчиликни ҳам бирга олиб борар эдилар. Уларга илмий иш олиб боришда Москвага командировкаларнинг кўплиги ва узоқ вақт у ерда бўлишлари жуда қўл келганди. Айниқса, бундай имконият у кишининг Давлат план комиссиясининг раислиги вақтида кўп бўлган.

Ҳабиб Муҳамедович аксарият кишиларда кам учрайдиган хусусиятларга эга эдилар. Жумладан, у киши амалпараст эмасдилар. Бунинг исботи сифатида мен турмуш ўртоғим билан биргаликдаги ҳаётимизда содир бўлган воқеаларни айтиб ўтмоқчиман. Ҳабиб Муҳамедович СазПИда директорлик вақтида у кишини Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг саноат бўлимига мудир қилиб олишмоқчи бўлишади. Шунда Ҳабиб Муҳамедович СССР Олий ва ўрта маълумот комитетининг раиси Капитоновга шахсий мактуб ёзадилар ва: «Институтга директор бўлганимдан бери ишни пўхта ўрганиб, уни ҳар томонлама ўзлаштириб олдим. Институт ҳаётига кўп ўзгартишлар киритдим. Ў ерда директорликдан ташқари яна ўқитувчилик ҳам қиламан. Кафедрада эса доцентман. Агар мени Марказқўмга ишга олишса, албатта, ўз ҳунарим ва ўқитувчиликни қила олмайман. Шунинг учун бу масала устида сиз билан келишишганда менинг илтимосимни назарга олиб, ўз ўрнимда қолишимга ёрдам берсангиз», — деб сўрайдилар.

Бу хат 1941 йил 26 июлда ёзилган.

1948 йили икковимиз Кисловодскда дам олиб қайтишда Москвага ўтдик. Шунда Ҳабиб Муҳамедович КПСС Марказий Комитетига аризасифат хат ёзиб, унда: «Мен 1941 йилдан бери Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг Раиси муовини ва Давлат план комиссиясининг раиси лавозимида ишлаб келмоқдаман. Бу лавозимлар мен учун юқори мансаб эканлигини билсам ҳам, ҳозир уруш тугаб, тинчлик даври бошлангани учун бу ишни бошқалар ҳам бемалол бажара олади. Мен эса фақат илм билан шуғулланишни истайман ва республикада илмнинг юксалишига ўз ҳиссамни қўшсам дейман» — дегандилар.

Ҳабиб Муҳамедович Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг Раисига Саноат бўйича муовин бўлгани учун жуда ҳам иши кўп эди. Чунки, немис босқинчилари босиб олган шаҳарлардан кўчириб келтирилган завод ва фабрикаларни қисқа муддат ичида жойларга ўрнатиб, ишга солиш керак бўларди. Қизиғи шундаки, бу ишлар ҳамиша мўлжалланган вақтдан анча илгари тайёр бўларди. Буни мен Ҳабиб Муҳамедовичнинг чеҳрасидан сезар эдим.

1943 йил 4 ноябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси таъсис этилди. Ўн бир киши Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, ўн саккиз киши Фанлар академиясининг мухбир аъзоси ва уч киши Фахрий академик қилиб сайланди. Бу сайловда Ҳабиб Муҳамедович Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси бўлдилар.

Шу йил 25 декабрда оиламизда яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Иккинчи фарзандимиз Раъно хон туғилди. Табриклаб келганларга Ҳабиб Муҳамедович ўзида йўқ хурсанд бўлиб, «бекорга Давлат план комиссиясининг раиси бўлиб ишлаб юрибманми? Болаларимиз дунёга келиши ҳам план билан, биринчиси ўғил, иккинчиси эса қиз бўлди», деб ҳаммани кулдирар эдилар.

1944 йил 7 январда Ҳабиб Муҳамедовични Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг қарорига мувофиқ Президиумга аъзо қилиб сайлашди. Аммо ўзлари Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Раисининг муовини ва Ўзбекистон ССР Давлат план комиссиясининг раислигида ишни давом эттира бердилар. Марҳум Усмон Юсуповичнинг Фанлар академияси президенти Қориниёзийга: «Сизлар Абдуллаевни Фанлар академияси президиумига аъзо қилиб қўйсанглар, у шундай инсонки, унинг виждони ҳар қанча банд бўлишига (ишнинг кўплигига) қарамай, сизлардан кам эмас, балки кўпроқ ишлашга ундайди», деган гаплари ҳамон ёдимда.

Шу йилнинг 24 январида СССР Олий Совети Президиумининг фармонига кўра, Ҳабиб Муҳамедович ҳукумат топшириғини бажариш, урушнинг қийин даврида нефть саноатини ривожлантириш ва Армияни, қишлоқ хўжалигини нефть билан таъминлашдаги хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Ҳабиб Муҳамедович 1940 йилда бошлаган ишларини 1946 йилда тугатдилар ва шу йили май ойида Москвада СССР Фанлар академиясининг Геология институтида тўлиқ овоз билан докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқладилар.

Ёдимда, ўшанда Москвадан Тошкентга бир группа академиклар, мухбир аъзолар ва профессорлар келишди. Биз уларни уйга меҳмон қилиб чақирдик. Шунда Д. С. Коржинский менга қараб: «Биласизми, Фотимахоним, эрингиз Ҳабиб Муҳамедович илмда жуда катта иш билан шуғулланаётир. Қилаётган иши қариялар қиладиган ищ» — деди. Мен эса «Биласизми, Дмитрий Сергеевич, мен геолог эмасман. Шунинг учун Ҳабиб Муҳамедовичнинг қилаётган иши менга номаълум ва унга тушунмайман ҳам. Агар Ҳабиб Муҳамедович ёш бўла туриб, қарияларнинг ишини қилаётган бўлсалар, у киши ўз кучига ва билимига ишонсалар керак», — дегандим.

1947 йили Ҳабиб Муҳамедович турмуш қурганимиздан бери биринчи марта Кисловодскийга дам олишга бормоқчи бўлдилар ва мени ҳам бирга боришга ундадилар. Мен унамадим. Ҳабиб Муҳамедович бир ўзлари жўнаб кетдилар. Орадан икки-уч кун ўтди. Деярли ҳар куни, баъзан эса бир кунда иккитадан телеграмма ола бошладим. Унда Ҳабиб Муҳамедович мени ёнларига чақирардилар. Охири бўлмади. Ўша вақтларда Кисловодскийга Тошкентдан тўғри учадиган самолёт бўлмай, Москва орқали борилар эди. Мени Минводи аэропортида Ҳабиб Муҳамедович бир даста чиройли гул ва бир қутича конфет билан кутиб олдилар. Кўпинча турмуш ўртоғимнинг жуда маданиятли эканликларига қойил қолар ва бундан ич-ичимдан фахрланар эдим.

(Давоми бор).

● Ҳ. Абдуллаев оила аъзолари рафиқаси Фотима опа, қизи Раъно хон ва ўғиллари Рустамжон, Пўлатжонлар билан (1951 йил).

● Ҳ. Абдуллаев ўзбек дивизиясининг солдат ва офицерлари орасида. Унинг ёнида генерал-майор Собир Раҳимов (1942 йил).

• МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

● ҚАШҚАДАРЁ

ШАҲАР БОЗОРИДА САВДО ЯРМАРКАЛАРИ

Қўриқ Муборак райони боғларида ширин-шакар мевалар мўл бўлди. Район боғбонлари давлатга мева топшириш режасини ошириб бажардилар. Тайёрлов пунктига 140 тонна ўрнига 200 тоннадан зиёд ҳар хил мева топширилди. Эришилган муваффақиятга «Қарлиқ», «Хитой» ва «Гулистон» давлат хўжаликлари деҳқонлари катта ҳисса қўшдилар.

Районда пишиб етилган меваларни йиғиб-териб олиш ишлари қизғин. Режа — 400 тоннадан кўпроқ мева тайёрлаш.

— Бу йил сабзаводчилар ва полизчиларимиз ҳам баракали ҳосил оладилар, — дейди район ҳокими Ж. Қурбонов. — 6 минг тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари, минг тонна узум етиштиришни мўлжаллаганмиз. Шу кунларда етилган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари Муборак шаҳар бозорига келтирилиб, савдо ярмаркаларида аҳолига сотилмоқда. Бу эса нархнавони бир мунча арзонлаштиришни таъминлаяпти.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА 171 ТОННА КАРТОШКА

Ғузор райони озиқ-овқат дўконларида даладан келтирилган картошка бозорларда нарх-навони бироз арзонлаштирди. Бундан харидорлар мамнун.

Деҳқонлар эрта баҳорда қулай ерларни танлаб, картошка уруғини эккан эдилар. Парвариш яхши йўлга қўйилди. Натижада ҳосил мўл бўлди.

Район вилоятда биринчи бўлиб картошка тайёрлаш режасини ошириб адо этди. Тайёрлов ташкилотларига 120 тонна ўрнига 171 тонна сифатли маҳсулот етказиб берилди. Айниқса, К. Маркс номли, О. Кўчкинов номли жамоа, Улуғбек номли давлат хўжаликларининг деҳқонлари бу соҳадаги режани ошириб адо этдилар. Айни пайтда колхоз ва совхозларда картошка ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топшириш ишлари суръати бўшаштирилмаяпти.

М. КАРОМОВ.

● БУХОРО

ЗОМИНДА «БУХОРОИ ШАРИФ» ОРОМГОҲИ ОЧИЛДИ

● Зомин тоғларининг сўлим жойларидан бирида «Бухороий Шариф» дам олиш уйи очилди.

Зомин райони ҳокимлиги ажратган 10 гектарлик майдонда бухороликлар 1,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ва ободончилик ишларини бажаришди. Унинг қурилиши вилоят пахта тозалаш заводлари, матлубот жамиятлари, 5-ёғочсозлик заводи ва яна бир қатор корхона, ташкилотларнинг моддий кўмаги асосида амалга оширилди.

Яқинда Жиззах ва Бухоро вилояти ҳокимликлари раҳбарларининг иштирокида янги дам олиш уйининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Дастлабки дам олувчилар асосан бухоролик пахта тозаловчилардир. Ҳозирча дам олиш уйи 25 кишини қабул қилди. Келгуси йилдан бошлаб эса оромгоҳда ёз ойлари 200, қишда 100 киши хордиқ чиқаради.

Н. НАИМОВ.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ЭКОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТОЗА

● Эски Толмозор қишлоғи Андижон вилоятининг саноат харитасига «тиркаб қўйилди». Бу ерда унча катта бўлмаган цехда замонавий пахта тозалаш заводи ишга тушди.

Корхонанинг афзаллиги у ерда ишлаб чиқариш унумдорлиги юқори даражада эканидагина эмас, балки бу ерда кучли чанг ютгич қурилмалар ўрнатилганлигида ҳамдир. Бу эса экология жиҳатидан мусаффолиқнинг ишончли гаровидир, бу қурилма ёш жамоага 250 минг сўмга тушганига қарамай, сарф-харажатлар ўзини тез орада оқлайди. Чунки янги корхонадан тозалик учун «имтиҳон»ни маҳаллий аҳоли қабул қилди.

ТОМОРҚАДАН ОЛИНАЁТГАН ҲОСИЛ

● Урганчнинг Марказий бозорида бу мавсумда нарх-наво кутилганидан анча арзон бўлди. Масалан, пиёз ва помидор давлат дўконидагидан икки баравар арзон сотилмоқда. Хўл меванинг ҳар бир килограмми нархи олти сўмдан ошмайди. Арзончиликнинг сабаби нимада!

Бунинг сабаби Марказий бозордаги сотувчилар орасида шаҳарликларнинг кўплигидир. Вилоят ҳокимияти ходимлари эрта баҳордаёқ минг гектардан ортиқ ерни урганчликларга томорқа учун ажратиб бераётганларида ўз олдиларига ана шундай мақсадни қўйган эдилар. Бундан олдинроқ кўпгина саноат корхоналарининг меҳнат жамоаларига Амударё қирғоқларидан боғ участкалари ажратиб берилган эди. Витаминга бой маҳсулотлар айни шу ерлардан бозорга келтирилади.

БЕКОР ЎТИРИШМАЙДИ

● Ўзбекистон «Электротерм» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотларига талаб кўплигига қарамай, корхона раҳбарияти 550 нафар ишчини, яъни жамоанинг учдан бир қисмини режалаштирилмаган таътилга жўнатишга мажбур бўлди.

Наманганликлар ишлаб чиқараётган калориферлар, электр иситгичлар, электр плиталар МДҲ барча республикаларида харидоргир. Шунга қарамасдан, корхона омборхоналари тайёр маҳсулотлар билан тўлиб-тошиб ётибди. 110 миллион сўмлик ана шундай маҳсулотлар тўпланиб қолди. Бунинг сабаби нимада?

Бу саволга оддийгина жавоб бериш мумкин. Харидорларнинг пули йўқ. Жамоага эса омборхона учун ишлаш фойдали эмас. Ҳозир бу ерда Ўрта Осиё минтақасида харидоргир ҳисобланган жуда тақчил куч трансформаторлари ишлаб чиқариляпти. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, қўли узун харидорларнинг бу маҳсулотни сотиб олишга пуллари бор. Хуллас «Электротерм»нинг молиявий аҳволи яхшиланиши керак.

(ЎзА).

● СИБИРДАН ХАТ

БИР ЖАРРОҲЛИК ТАРИХИ

● Илмий ишимни тугатиш учун зарур бўлган эски маълумотларимни кўздан кечираётганимда, қўлимга «Қизиқарли хатлар», деб ёзилган папка тушиб қолди. Уни очдим. Ичидан каттақўрғонлик Мушаррам Эрназарованинг хати чиқиб қолди. Хотирамда Новосибирскдаги қон айланиш паталогияси институтида ўша мен қийин шароитда жарроҳлик қилган ўзбек қизи намоён бўлди. Эндигина ўн икки баҳорни қаршилаган қизчани ниҳоятда оғир аҳволда шифохонамизнинг жарроҳлик бўлимига олиб келишган эди.

1967 йил баҳор фасли. Туғма юрак ўйноғи қизнинг ҳаётига ҳавф солаётгани кўриниб турарди. Бемор билан суҳбатлашганимда қийналганидан кўчада юролмаслигини, йўловчилар унга ажабланиб қарашганида бу унга ҳанчалар оғир ботишини ҳаяжон билан сўзлаб берди. Унинг ёнида ўтирган қари отаси ишонқирамай, «анча ёш экансан-да», тажрибанг камдиров, деяётгандек менга тикиларди. Қизни текшириб кўриб, касалига тегишли дори-дармонлар тавсия этдим. Бироқ умумий текширувлар анча чўзилиб кетди. Мен тез-тез беморнинг хонасига кириб, у билан суҳбатлашар ва ҳар гал уни операцияга рози бўлишга ундардим.

Бир куни ҳар доимгидек хонага кирсам Мушаррам жойида йўқ. Ҳайрон бўлдим, кейин билсам қизча бошқа беморлардан жарроҳлик оғир ва хатарли бўлишини эшитиб, отасига айтибди. Бундан хабар топган ота операцияга қаршилик билдирган. Қизини кўнмасликка ундаган. Шифохонамиздаги беморлар бу касалнинг қанчалар жиддий ва хавфли эканлигини билишарди. Ниҳоят касалнинг ташҳиси аниқланди. Охирги марта отадан розилик сўралганда, у бир сўз демай, хонадан чиқиб кетди. Эртаси биз Мушаррамнинг уйига кетиб қолганини билдик. У кўп зорланиб отасидан шифохонада қолдиришини ва розилик беришини сўраган, бироқ уринишлар бекор бўлган. Ажабланарли жойи йўқ, биз аста-секин Мушаррамни унута бордик. Чунки шифохонамизда бундай беморлардан уч юзтаси бор эди.

Ёз ўтиб, кузнинг биринчи ойлари бошланган кезлар эди. Шифохонага келаётиб кўзим ногаҳон ориққина, титраб турган қизга тушди. Яқинлашгач, уни дарров танидим. Мушаррам жарроҳ столига тайёр эканлигини тез-тез тушунтира бошлади. Уни қайта ётқизиб, текшириб, ҳафта давомида операцияга тайёрладик. Сибирда қиш эрта бошланади. Ташқарида совуқ, қор ҳавоси келиб турарди. Қиз аввалига анча ҳаяжонланди. Кейин эса бирдан жонланиб ҳамхоналарига миллий рақслар, қўшиқлар ижро этиб берди. Сўнг у яна бўшашиб уйқу олдидан сочини қирқ кокил қилиб ўрди. Унинг олдида бўлиб кайфияти билан қизиқдим ва нега отаси келмаганини сўрадим. Мушаррам отаси оёққа турганч, келишини ўзбекча талаффуз билан айтди. Очиғи, операциянинг мушкуллиги ўзимни ҳам чўчитарди. Лекин мен ўз фикримда қолдим.

Уч соат давом этган операциядан сўнг бемор ўзига келгач, у билан учрашдик. Унинг кўзларидан миннатдорчилик ёшлари оқарди. У ҳаёт қолганига ўзи ҳам ишонмасди. Бироз тузалгач, отасига шошилинчнома юборишини илтимос қилди.

Биз узоқ вақт Мушаррам билан хат ёзишиб, унинг соғлиғи ва ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида хабарлашиб турдик. У ҳаётидан мамнун, ҳозир турмуш ўртоғи, қизи Саидахон, ўғли Талъатжон билан тинч-тотув ҳаёт кечиряпти. Мана унинг сўнгги хати «Бизнинг буидай бахтли турмушимизга сиз сабабчисиз: сизлар менга иккинчи ҳаётни бердинглар. Дунёда сиздай азиз, қўли гул одамлар борлигидан миннатдорман. Мушаррам».

В. ФУФИН,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ПАХТАЧИЛИКДА ИНҚИЛОБ БЎЛАДИ

● СИРЛИ КАЛИТ ЕҲУД

«ЯРИМ МАЛИКА»НИНГ САРГУЗАШТЛАРИ...

УНИ ОТА ДЕЙИШАРДИ

● Яқинда Қаршининг «Насаф» нашриёти журналист О. Мўминовнинг «Афсонага айланган одам» сарлавҳали рисоласини босмадан чиқарди.

Унда Қашқадарё вилояти партия қўмитасида 16 йил биринчи котиб бўлиб ишлаган Рўзимат Ғойибовнинг кўп қиррали фаолияти, аччиқ, фожиали қисмати ҳақида ҳикоя қилинади.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

МИЖОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Узкоопвтормет» республика ширкат бирлашмаси шу йилнинг 16 июнидан қайтадан ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон металлургия заводининг хўжалик ҳисобидаги «Вторчермет» бошқармасига айлантирилди. У 1992 йилда қора металл чиқиндиларини топшириш учун тузилган шартномалар бўйича ҳуқуқий масъулиятга эгадир.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Сирғали саноат зонаси, хўжалик ҳисобидаги «Вторчермет» бошқармаси.

Телефон: 58-57-09

Даъволар эълон чиққандан кейин бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент молия институти молия-кредит мутахассисликлари сиртқи куллиётининг йўқолган думалоқ муҳри

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси филология куллиётининг эронафғон кафедраси доценти

Зикрилла УМАРОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳи маъмурияти, «Физика» таҳсилгоҳи жамоаси Тошкенбой Мирзажоновга падари бузруквори

Мирзажон АБДУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноати — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-70, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 33-44-51, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи—64583. Буюртма № Г — 217. № 150.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, Топширилди—20.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.